

АРИПОВА Зухра Джахангиревна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
доценти, тарих фанлари доктори (DSc)
z.aripova@iiia.uz, aripova.zuxra@mail.ru.

МИСРДА МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ КУРАШГАН ТУРКИЙ САРКАРДАЛАР

ТЮРКСКИЕ ПОЛКОВОДЦЫ, ВОЕВАВШИЕ ПРОТИВ МОНГОЛОВ В ЕГИПТЕ

TURKIC GENERALS WHO FOUGHT AGAINST THE MONGOLS IN EGYPT

Аннотация: Миср ўрта аср тарихида туркий султонлардан тўлунийлар, ихшидийлар, мамлукларнинг ўзига хос жиҳатлари кўзга ташланади. Бу мақолада асли келиб чиқиши Мовароуннаҳрдан бўлган Миср лашкарбошилари ва улар туфайли Мисрнинг мўғуллар истилосидан омон қолгани баён этилади.

Калит сўзлар: Миср, мамлакат, султон, баҳрийлар, тарих, халифалик, мўғул, лашкарбоши.

Аннотация: В средневековой истории Египта особое внимание привлекает период правления династий тюркских султанов Тулунидов, Ихшидидов и Мамлюков. В данной статье освещается деятельность египетских военачальников по происхождению из Мавераннахра, благодаря которым Египет уцелел в период монгольского нашествия.

Ключевые слова: Египет, страна, султан, Бахриты, история, халифат, монголы, наука.

Abstract. In the medieval history of Egypt, particular attention is drawn to the period of the reign of the dynasties of the Turkic sultans Tulunids, Ikshidids, and Mamluks. This article is dedicated to Egyptian warlords from Maverrannahr, thanks to whom Egypt survived during the Mongol invasion.

Keywords: Egypt, country, sultan, bourgeois, history, caliphate, madrasa, building, city, historical process, science.

КИРИШ

Бир неча асрлик тарихдан маълумки, ҳар бир тарихий давр, ҳар қайси давлат

тузилишида ўз манфаатларини тўла-тўқис ифодаладиган раҳнамо ҳамда йўлбошчилари бўлган. Улар давлатни ва халқни кўпгина ташқи кучлар ҳужумидан сақлаган. Тарих оқимида сиёсий қарашлар ва ғояларни олға сурган, шакллантирган, инсоният тарихидаги кескин бурилишларга кўмаклашган саркардалар, сиёсий ва давлат арбоблари, файласуфлар, султонлар, амирлар ва хонлар бўлганлигини ҳозирги давр тарихий асарлари тасдиқлайди. Шундай лашкарбошилар қаторида асли Марказий Осиёдан чиққан туркий қабилалар вакиллари бўлиб, улар Мисрда ҳукмдорлик қилганлар. XIII-XV асрларда Мисрда ҳукм сурган мамлуклар султонлиги давлатида уни тили, тарихи, анъаналари жиҳатидан Ўрта Осиё ва Мисрнинг зикр этилган асрлар тарихида жуда кўп боғлиқликлар мавжуд. 1250-1517 йиллар мобайнида Мисрда ҳукмронлик қилган мамлук султонлари ўрта аср тарихида мусулмон оламида етакчи ўринга эга бўлганлар. Шунингдек, 1250-1382 йилларда ҳукмронлик қилган баҳрий мамлуклар этник келиб чиқиши туркий бўлганликлари боис, бу даврда улар Мисрни мўғуллар ва салибчилар босқинидан ҳимоя қилишда жасоратларга эришганликларини кўрсатиб бериш бизнинг тарихчиларимиз учун долзарб масалалардан ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мисрда Марказий Осиёдан чиққан туркий қабилалар вакиллари турли даврларда ҳукмдорлик қилганлар. Бундай сулолалар сирасига тўлунийлар, ихшидийлар ва баҳрий мамлук сулолаларини келтириш мумкин. Туркий ҳукмронлардан 1250-1382 йиллар мобайнида Мисрда ҳукмронлик қилган баҳрий мамлук султонларининг кўрсатган жасоратлари боис, бу ўлкага мўғуллар ва салиб юрувчилари босқинлари олди олинган. Туркийлардан тузилган қўшинлар орқали Бағдоддаги Аббосий халифалар доимий равишда ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар, чунки ҳокимлар ҳам аста-секин ўз мавқеларини кўтариб, мустақил бўлишга интилганлар. Туркий қўшинларига фақат туркий бек ва амирлар қўмондонлик қилганлар. Вақт ўтгач, мамлуклар ислом давлатининг бир қисмига айланди ва улар ҳамма жойга тарқалди.

Бирок, бу аскарларнинг бошқа вилоятларга тарқалиши кейинчалик Аббосий халифаларга қаршилиқ қилишларига имконият туғдирган. Мамлук гуруҳларининг мунтазам равишда пайдо бўлиши ва XIII асрнинг биринчи ярмида улар таъсирининг кучайишига сабаб бўлди.

Мамлуклар 1240 йилда Миср тахтида бўлган Одил II (1238-1240)ни тахтдан ағдариб, ас-Солиҳ Нажмиддин Айюбийни (1240-1249) ҳукмдорликка кўтардилар. Мўғуллар босқинидан келиб чиққан кўрқув ва саросима таъсирида мамлукларнинг жанговарлиги, садоқати, олижаноблик каби фазилатлари туфайли амалдаги султон кўплаб мамлуклар сотиб олиб, уларга шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратган. Султон Нажмиддин Айюбий туркий мамлукларидан ташкил топган кўшинни Қоҳиранинг жанубий чегараларидаги ар-Равда оролига жойлаштирган ва шу даврдан бошлаб, уларни баҳрий мамлуклар (*“المماليك البحرية”*) деб атаётганлар [18:158-166].

Б.Греков ва А.Якубовский ўзларининг “Олтин Ўрда” китобида ёзишларича, “... айниқса Мисрда Дашти Қипчоқдан чиққан ёш туркийлар юқори баҳоланган”. Ўрта аср тарихчиси ал-Умарий: “ал-Малик ал-Камилнинг ўғли ал-Малик ас-Солиҳ Нажмиддин Айюб туркий кулларини зўр бериб сотиб ола бошлагандан сўнг Миср лашкарининг кўп қисми туркийлардан ташкил топган ва улар орасидан Мисрнинг султонлари ва амирлари етишиб чиққан” – деб, ёзган [8:90-91].

Султон ас-Солиҳ Нажмиддин салибчиларга қарши Фаластинда олиб борган курашда мўғуллардан қочиб ўз юртларидан шу минтақага келиб қолган хоразмликлар ҳам иштирок этган. Хоразмликлар ёрдамида 1244 йили султон Солиҳ Нажмиддин салибчилардан Байт ал-Қуддусни (Иерусалим) бутунлай тортиб олган [14:164]. 1250 йилда Айюбий Султон Туроншоҳнинг ўлими Мисрда хавф солиб турган Людовик IX ва мўғулларнинг таҳдиди вақтига тўғри келган. Бу эса ўз навбатида, ушбу таҳдидларга қарши туришни талаб қилган. Миср маликаси Шажарат ад-Дур 1250 йилда марҳум султон Солиҳ Нажмиддин Айюбнинг туркий лашкарбошилари ва амирлари Бейбарс, Оқтой, Ойбек, Қутуз ёрдамида салибчиларга қарши шиддатли курашда ғалаба қозонган.

Малика Шажарат ад-Дурнинг бош маслаҳатчиси мамлуклардан бўлган амир Ойбек эди. Аббосий халифа юборган мактубда Шажара ад-Дур ҳукмронлигини маъқулламаслигини, “Агар каттагини мамлакат бўлган Мисрда султон бўладиган одам топилмаса, мен сизга Бағдоддан одам юборишга ижозат беринг” мазмундаги сўзлар битилган эди [17:368]. Мусулмон умматининг раҳнамоси бўлган Бағдоддаги Аббосий халифанинг бундай жавоби туфайли Айюбий султоннинг беваси Шажара ад-Дур бош қўмондон Ойбекка турмушга чиқишга мажбур бўлган. Муъизиддин Ойбек ат-Туркманий 1250 йилда тахтга ўтириб, “Баҳрий мамлуклари” ҳукмронлиги даври бошланган.

Султон Ойбек ҳокимиятда унга қарши рақиблар кўпайиб кетаётганини билгач, “Мамлакат Аббосий халифа Мустаъсимники, Малик Муъиз, дарҳақиқат, унинг бу ердаги ноиб”, деб эълон қилган [17:375]. Аммо тахт учун кураш сабабли малика Шажара ад-Дур турмуш ўртоғи Ойбекни ўлдирган [3:139]. Шундан кейин тахтга унинг ўғли Али ўтириб, унинг назоратчилиги Қутузга топширилган. Амир Қутуз 1259 йил 15 ноябрда Ойбек Туркманийнинг ўғли Алидан тахтни тортиб олиб, уни тоғдаги қалъага қамаб қўйган ва ўзини Миср султони деб эълон қилган [11:417]. Қутузнинг бу ишидан норози бўлган амирларга: “Биз мўғуллар билан курашиш учун бирлашишимиз керак, бу ишда султонсиз ҳеч нарса қила олмаймиз, агар душманга бўлинган ҳолда қаршилиқ кўрсатсак, бу нарса яхшиликка олиб келмайди, салтанат ичидаги майда ихтилофлар ҳам шуни тақозо қилади”, – дейди [10:199-200]. Бу билан Қутуз Мисрда катта хавф солиб турган, мўғуллар билан курашни қай даражада хавфли эканини кўрсатиб ўтган.

Бир томондан, салибчилар, бошқа томондан мўғулларнинг ҳужумига бўлган таҳдид сабабли кул келтириш тўхтатилмаган. Мисрда мамлуклар ҳукмронлиги тўла ўрнатилгач эса, бу кенг ҳудудларда ҳокимият ишларини бошқариш учун истеъдодли, қобилиятли шахсларга эҳтиёж кундан-кун ошиб борган. Мисрнинг буюклиги ва қудрати ҳақидаги гаплар узок минтақаларга бориб етган, ушбу минтақалардаги мамлук савдоси билан шуғулланувчилар Ўрта Шарқ мамлакатларига, хусусан, Туркистонга ҳам бориб, у ердан жангларда асир тушган болаларни

кул бозорларидан харид қилиб, Мисрга ҳам жўнатганлар. Шундай болалардан бири – Амир Қутуз, асли келиб чиқиши Мовароуннаҳрдан бўлиб, Жалолиддин Мангубердининг опасининг ўғли, Хоразмшоҳнинг невараси эди. Мовароуннаҳрни Чингизхон қўшинлари қўлга олгач, у ҳам бошқа ёшлар каби асир тушиб, Дамашқдаги кул бозорига рақик (“قيقر” – кул сотувчи) билан келтирилган. Қутузни султон Муъизиддин Ойбек сотиб олган ва уни ҳарбий мактабга ўқишга берган. Ҳарбий мактабни битириб чиққач, унга амир унвони берилган [1:12; 4:142]. Қутуз шижоати ва қобилияти туфайли аста-секин оддий амирдан қўмондон даражасигача кўтарилган.

Миср мамлук султонлари даврида сиёсий жиҳатдан кучайиб борди. Султон Қутуз 1260 йил 5 сентябрда Фаластиндаги Айн Жолут деган жойда бўлиб ўтган жангда мўғулларга қарши катта зарба бериб, мағлубиятга учратиши халқлар хотирасида унутилмас ҳодиса бўлиб қолган. Ўрта асрнинг машҳур тарихчилари ал-Макризий ва Ибн ал-Ийёс ўзларининг тарихий асарларида Миср лашкарлари бошида турган Миср султони Қутуз Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг жияни деб тахмин қилинган ва унинг асл исми Маҳмуд ибн Мамдуд деб таъкидланган [13:104].

Айн Жолутдаги жангдан олдин мўғуллар лашкарини бошқарган Хулағухон Қутузга таҳдидларга тўла кўпол хат йўллаган ва унда Қутузни “бизнинг қиличимиздан қочиб, бу диёрга келиб қолиб, бу диёрнинг неъматларидан фойдаланаётган мамлуклардан”, деб таъриф берган. Бу хатни тарихчи ал-Макризий ўзининг тарихий рисоласида тўла келтириб ўтган” [17:327-329]. Хулағунинг Қутузга ёзган мактуби бизгача етиб келган бўлиб, ўрта аср тарихчиларидан дастлаб Ибн ал-Фурат, кейинроқ ал-Макризий ёзиб қолдирган. Мактуб мусулмон томонидан ёзилганлиги яққол кўзга ташланарди, чунки унда Қуръондан иқтибослар келтирилиб, нақшинкор ҳолатда ўша давр мусулмонлари йўллайдиган мактуб кўринишида эди. Бу хатни номусулмон бўлган Хулағу ёзмаганлиги, лекин исломий ҳолатда ёзилганлигига қарамай, унда Чингизийларнинг дунёни бошқаришдаги устунликка интилиш кучли тарзда ифодаланган [2:36]. Хат фусҳа – араб адабий тилида ёзилган бўлса-да, мазмунан,

одатда, бир давлат ҳукмдорига иккинчи ҳукмдордан ёзиладиган хатларга муносиб эмас эди, чунки унда султон Қутуз камситилган ва таҳқирланганди. Мўғуллар Қутузнинг насли насабини яхши билганлар, бўлмаса “у бизнинг қиличдан қочган мамлуклардан”, деб ёзмаган бўлардилар. Бу тарздаги мактуб сабаб, мамлуклар Айн Жолут жанги олдида мўғул элчиларини қатл қилганлар. Бу ҳодиса Марказий Осиё дипломатиясида жиддий дипломатик инцидент сифатида қаралган.

Сайфиддин Қутуз оғир вазиятда мўғуллар олдида саросимага тушмай, вазмин ва қатъий қарор қилиб, мўғулларга таслим бўлмасдан уларга қарши чиққан. Хоразм истилосидан кейин ҳеч кимдан ёрдам сўрамай, мўғуллар билан оз қолган қўшинлари билан ўн йилдан ортиқ яқка ўзи жасуруна курашган мағрур тоғаси Жалолиддин Мангуберди, дарбадарликда қолиб кетган минглаб хоразмликлар – булар ҳаммаси унинг юрагида қасос ўтини ёккан [19:116].

Айн Жолут жангида хоразмликлар мўғул истилосини бостиришда мардонавор курашиб, жасорат кўрсатганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бор [3:117-118]. Бу жангдан сўнг Султон Қутуз: “Мен кимки, Маҳмуд ибн Мамдудман. Мен кимки, мўғулларни тор-мор қилиб, тоғам Хоразмшоҳ учун қасос олгандирман”, – деб айтган [7:228]. Шундай қилиб, баҳрий мамлук султонлари Шом ва Мисрга бостириб кирган солибчиларни, сўнг мўғулларни тор-мор этиб, араб ерларини босқинчилардан озод қилганлар.

Кўпгина илмий тадқиқотларда “Мўғуллар нима учун Айн Жолутда мағлубиятга учради? – деган саволларга мурожаат қилганлар. Мўғуллар қарийб ярим аср мағлубият учун мамлуклардан ўч олишга ҳаракат қилган. Ж.Смитнинг фикрига кўра, кўчманчи мўғулларнинг тартибсиз ҳарбийларидан фарқи ўлароқ, мамлуклар яхши тайёргарликдан ўтган, курулланган, ҳақиқий профессионал жангчилар эди. Унинг ёзишича, муаммо мўғулларнинг нима учун мағлуб бўлганида эмас, нега мамлуклар ғалаба қозонганидир [15:44]. Д.О.Морган бу ҳодисаларни гувоҳи бўлган Бар Эбрейдан келтиришича, мўғуллар ва уларнинг отлари ёзнинг жазирамасига унчалик тоқат қилмаган ва бундан ташқари Сурия (Шом)нинг сув ресурслари мўғул қўшини эҳтиёжларини

кондира олмаган [12:231-235]. Шунингдек, Хулагунинг ўзи мамлуклар билан бўлган жангга тўхталиб, 1262 йилда Франция кироли Людовикка мўғул отларини таъминлаш учун яйловлар етарли бўлмаганини айтган.

П. Торау Айн Жолутдаги жангнинг стратегияси ва тактикасини қайта кўриб чиқиб, мамлукларнинг асосий ғалабаси мўғулларни мамлуклар томонидан пистирмага муваффақиятли жалб қилиш натижасида келиб чиққан, деб ёзган [16:236-241]. Шундай қилиб, яхши ишлаб чиқилган режа асосида иш кўрган мамлук султони Қутуз Фаластиндаги Айн Жолут деган жойда мўғуллар билан жанг қилиб, уларни шиддатли мағлубиятга учратди ва Хулагу қўшинларини орқага улоқтириб ташлади [5:235; 20:100]. Уни бу тарихий ғалабаси ҳақида қатор насрий асарлар битилган ва ҳозирги кунгача Мисрда ўрганилади [5:235; 20:100]. Жангдан сўнг Мисрда қайтиш мақсадида Дамашқдан йўлга чиқади. Халқ бу йирик ғалабани нишонлашга тайёргарлик кўраётган эди. Уни йўлда Амир Бейбарс бошчилигидаги аскарлар кутиб оладилар ва Султон Қутузни шафқатсизларча ўлдирадилар. Амир Бейбарс билан Султон Қутуз ўртасида бу ҳодисадан анча олдинроқ келишмовчилик келиб чиққан эди.

Амир Бейбарс жамоасидан бўлган хушдошларни (ҳамкурслар) Султон Қутуз ҳақоратлагани сабабли Султон Қутуз ва Амир Бейбарс Бундукдорий жамоаси ўртасида душманлик пайдо бўлганди. Улар қулай фурсат кутиб турган эдилар. Дамашқдан Мисрда келаётган Қутузни пайт пойлаб ўлдирганлар. Ўрта аср тарихчиси Ал-Мақризийнинг ўзининг тарихий асарида ёзишича: “Султон Қутуз ўлдирилгач, амирлар кенгаши ўтаётган вақтда Амир Ақтоий амирларга қарата “Сизлардан қай бирингиз уни ўлдирди?”, - деб сўраганида Бейбарс “Мен ўлдирдим”, - деб жавоб қайтаради. Ақтоий “Ундай бўлса султон ўрнига тахтга ўтир”, - деб айтади” [17:436; 9:104; 21:598]. Шу тариқа Султон Малик Аз-Зоҳир Рукниддин Бейбарс 1260 йилда тахтга ўтиради ва 1277 йилгача ҳукмронлик қилган.

Шундан кейин Султон Бейбарс ва бошқа туркий ҳукмдорлар ҳам мўғуллар Мисрни босиб олмаслиги учун ҳаракат қилдилар. Зоҳир Бейбарс олиб борган омма орасидаги сиёсати, айниқса, унинг салиб юрувчиларга

қарши кураши туфайли катта обрў-эътиборга сабаб бўлди. Айн Жолутдаги мағлубиятдан сўнг ҳам мўғуллар Мисрда бир неча бор ҳужум қилишга ҳаракат қилдилар. Лекин Султон Бейбарс, кейинчалик Қаловуннинг олиб борган оқилона сиёсати боис, бу мамлакатни қўлга кирита олмадилар. Бу даврда Мисрда мўғуллар Қутуз бошқарган даврга қараганда, кескин ҳужумларни амалга оширмаганлар. Эронда икки мўғул хони ўртасида чиққан низо туфайли Хулагуга ёрдам учун Берк мўғулларни юборган. Кейинчалик у ўз қўшинларига Эрондан чиқиб кетишларини буюрган. Улардан баъзилари Мисрда боришга муваффақ бўлганлар. Зоҳир Бейбарс ҳукмронлиги даврида 1262 йилда 200 та, 1263 йилда 1300 та отлик мўғуллар яшаш учун Мисрда келганлар. Умумий ҳисобда унинг ҳукмронлиги даврида 3000 мўғул яшаш учун Мисрда жойлашганлар.

ХУЛОСА

Мамлук султонлари Ойбек Туркманий (1250-1257), ал-Музаффар Сайфиддин Қутуз (1259-1260), аз-Зоҳир Бейбарс (1260-1277), ал-Мансур Сайфиддин ал-Қаловун (1280-1290) араб қавмига эмас, балки туркий элатларга, хусусан Дашти Қипчоқда кўчиб юрган қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий қабилаларга ёки мўғул истеълосидан қочган хоразмликларга тааллуқли эканини машҳур ўрта аср тарихчилари ал-Мақризий, Ибн ал-Йиёслар кўрсатиб ўтганлар. Ушбу илмий мақола асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, Миср султони Қутузнинг асли исми Маҳмуд ибн Мамдуд бўлиб, Хоразмшоҳ невараси эканлиги ўрта аср тарихчиларидан Ибн ал-Фурат, кейинроқ ал-Мақризий томонидан ёзиб қолдирилган.

Иккинчидан, Султон Қутузнинг Айн Жолутдаги мўғуллар устидан ғалабасига пухта ишлаб чиқилган стратегия ва тактика сабаб бўлган.

Учинчидан, Султон Қутуз ва Султон Зоҳир Бейбарс мўғуллар истеълосидан Мисрни сақлаб қолганликлари боис уларнинг исми Миср халқи оғзаки ижодида Аббосий халифа Хорун ар-Рашид (786-809) ва Салоҳиддин Айюбий билан бир қаторда тилга олинади.

Тўртинчидан, баҳрий мамлук султонлари олиб борган ишлари, сиёсати, айниқса, уларнинг

салибчилар, мўғулларга қарши кураши туфайли катта обрў-эътиборга сазовор бўлганлар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абд ал-Фаттоҳ Ашур. Ал-мужтама‘ ал-мисри фи ‘аср салотин ал-мамолик. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1962. – 264 б.
2. Amitai-Preiss R. Mongols and Mamluks: The Mamluk-Ilkhanid War, 1260-1281. Cambridge, 1995, – P. 36.
3. Аҳмад Мухтор ал-‘Ибодий. Қиём давлат ал-мамолик ал-уло фи Миср ва-ш-Шом. – Искандария: Муассасат шабоб ал-жомиа, 1982. – 323 б.
4. Аҳмад Мухтор Ал-Ибодий. Фи-т-тарих ал-айюбий ва-л-мамлукий. – Искандария: Муассаса шабоб ал-жомиа, йили кўрсатилмаган. – 306 б.
5. Аҳмад Шалабий. Ат-Тарих ал-исломий. – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисрия, 1990. – 526 б.
6. Бадр ад-Дин ал-Айний. Ақд ал-Жумон фи тарих аҳл аз-замон. 4 жилдлик. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-қавмия, 2010. – 1857 б.
7. Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ангуштегинов. Изб. соч. в 3 томах. – Т.3. – Баку: Элм, 1999. – 228 с.
8. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1950. – С. 90-91.
9. Ибн Тағриберди Абу ал-Маҳосин. Китоб ан-нужум аз-зоҳира фи мулук Миср ва-л-Қоҳира. 16 жилдлик. – Лубнон: дор ал-кутуб ал-илмия, 1992. – 6346 б.
10. Исмоил ибн ‘Али Абу ал-Фидо’. Ал-мухтасар фи ахбор ал-башар/ Таҳқиқ Муҳаммад абд ал-Латиф ал-Хатиб. – Қоҳира: ал-матбаа ҳусайния мисрия, 1907. – 223 б.
11. Маҳосин Муҳаммад Ваққод. Ат-Табақот аш-ша‘бия фи-л-Қоҳира ал-мамлукия. –Қоҳира: Ал-ҳай‘а ал-мисрия, 1999. –315 б.
12. Morgan D.O. The Mongols and Syria, 1260-1300// Crusade and settlement. Papers read at the First
13. Conference of the Society for the Study of the Crusades and the Latin East and presented to R.C.Small/ ed.
14. by P.W.Edbury. Cardiff., 1985, - pp.231-235
15. Нур ад-Дин Халил. Сайф ад-Дин Кутуз Қохир ал-Муғул. Искандария: Муассаса Хурс ад-Дувалия лин-нашр ва-т-тавзиъ. 2005. – 169 б.
16. Семенова Л.А. Салах ад-дин и мамлюки в Египте. – М.:Наука, 1966. – С. 164.
17. Smith J.M. Ayn Jalut: Mamluk success or Mongol failure? // Harvard Journal of Asiatic Studies. 44/2. 1984.
18. Thorau P.The battle of ‘Ayn Jalut: a reexamination// Crusade and settlement/ ed. by P.W.Edbury. Cardiff. 1985, - pp.236-241
19. Тақий ад-Дин ал-Мақризий. Ас-сулук фи ма‘рифа дувал ал-мулук/ ал-Муҳаққиқ Муҳаммад Абд ал-Қодир Ато. 8 жилдлик. – Байрут: дор ал-Кутуб ал-‘илмия, 1997 – 3799 б.
20. Хасанов А.А. Формирование черкесской группировки мамлюков в Египте. – С. 158-166.
21. Ходжаева Р.Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII-XV асрлар). –Тошкент: “Ҳилол Медия”, 2013. – 154 б.
22. Ҳамза Абд ал-Ҳофиз. Нияба Ҳалаб фий аср салотин ал-мамолик. – Қоҳира: Ал-Ҳай‘а ал-мисрийя, 2000. – Б. 100
23. Шаҳоб ад-Дин ал-Умарий. Масолик ал-абсор фи мамолик ал-амсор / ал-Муҳаққиқ Иброҳим Солиҳ. – Абу Забий: ал-Мажма‘ ас-Сақофий, 2002 – 536 б.